

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

169 Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2107*

(2010 йил 6 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон) ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 март,
24-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 март,
2010-15-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2010 йил 24 мартдаги
24, 2010-15-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим
олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний
шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича
имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон) мувофиқ 2010 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олишга (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг таълим олиши учун) йўналтириладиган суммаларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

2. Ушбу Низомнинг 1-бандида назарда тутилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёз жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларини Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшгача бўлган ўз фарзандларининг ўқиши учун йўналтириладиган суммаларига (кейинги ўринларда ўқиш учун тўлов деб юритилади) камайтириш (кейинги ўринларда солиқ чегирмаси деб юритилади) кўринишида берилади.

3. Ушбу Низом мақсадларида олий ўқув юрти деганда олий таълимнинг таълим дастурларини (бакалаврият ва магистратура) амалга оширадиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ташкил этилган, ўз Устави ва Олий таълим тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1222, 2003 йил 22 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 4-сон) асосида фаолият юритувчи юридик шахс тушунилади.

4. Жисмоний шахсларга солиқ чегирмаси ўқиш учун тўлов қўйидагилар ҳисобидан амалга оширилганда тақдим этилади:

ўз маблағлари;

жисмоний шахсга тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари;

юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шарт билан берилган маблағлари (ссудалар).

5. Ўзининг ўқиши ёки ўз фарзандларининг ўқиши учун тўланганда солиқ чегирмаси жисмоний шахс — таълим олувчига, шунингдек агар ўқиш

учун тўлов таълим олувчи йигирма олти ёшга тўлгунига қадар амалга оширилган бўлса унинг ота-оналарига берилади.

6. Солиқ чегирмаси 2010 йилнинг 1 январидан кейин ўтказилган ўқиш учун тўлов суммаларига берилади. Ўқиш учун тўлов юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шарти билан берилган маблағлар ҳисобига 2010 йилнинг 1 январига қадар амалга оширилган ҳолларда, солиқ чегирмаси 2010 йилнинг 1 январидан кейин юридик шахслар томонидан берилган ссудаларни қоплаш ҳисобига ушлаб қолинган маблағлар суммасига берилади.

7. Юридик шахслар томонидан талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган, ушбу юридик шахснинг харажати бўлган маблағлар суммасига солиқ чегирмаси татбиқ этилмайди.

8. Агар ҳисобот солиқ даврида солиқ чегирмасини тўлиқ қўллашнинг имкони бўлмаса (жами йиллик даромад суммаси таълим олиш учун ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар суммасидан кам бўлса), унинг қолдиғи кейинги солиқ даврларига кўчирилмайди.

9. Солиқ чегирмаси давлат солиқ хизмати органлари орқали жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш йўли билан ҳамда солиқ тўловчининг ёзма аризасига биноан тўлов манбаида — иш берувчи томонидан ҳам берилиши мумкин.

II. Тўлов манбаида солиқ чегирмасини тақдим этиш тартиби

10. Тўлов манбаида солиқ чегирмаси таълим учун тўлов қўйидагилар ҳисобига амалга оширилганда тақдим этилади:

тўланган суммаларни жисмоний шахснинг солиқ солинадиган даромадларидан кейинчалик ушлаб қолиш шарти билан берилган иш берувчининг маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртига ёки тижорат банкига олинган таълим кредитини қоплаш эвазига иш берувчи томонидан ўтказиб бериладиган жисмоний шахснинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари.

11. Жисмоний шахслар солиқ чегирмасини олиш учун иш берувчига даромадларини ўқиш учун тўловга (кредитни қоплашга) ўтказиш тўғрисидаги аризани қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

талаба (талабалар) билан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрти ўртасида тўловли-контракт асосида ўқитиш тўғрисида тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

тижорат банки билан таълим кредитини олиш учун тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

таълим олувчининг (таълим олувчиларнинг) паспорти ва (ёки) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси.

12. Ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тақдим этилиши жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлов манбаида ушлаб қолмаслик учун асос бўлади.

13. Тўлов манбаида солиқ чегирмаси қўлланилганда жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация тақдим этилиши талаб қилинмайди, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 189-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14. Жисмоний шахсга тўлов манбаида солиқ чегирмаси тақдим этилмаган ҳолда, солиқ чегирмаси ушбу Низомнинг III бобида назарда тутилган тартибда жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияси асосида тақдим этилиши мумкин.

15. Олий ўқув юртлари ва тижорат банклари томонидан маблағларни қайтариб бериш ушбу маблағлар олинган шахсларнинг ҳисобварақларига ўтказиб бериш орқали амалга оширилади.

Аввал ўтказилган пул маблағлари иш берувчининг ҳисоб рақамига қайтариб берилганда, тўлов манбаида имтиёзни қўллаган иш берувчи қайтариб берилган суммани жисмоний шахснинг солиқ солинадиган жами даромади таркибига киритиши ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексидида белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ушлаб қолиши лозим.

III. Солиқ чегирмасини жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияси асосида бериш тартиби

16. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ўқиш учун тўлов жисмоний шахс томонидан мустақил равишда (нақд пул ҳисобига, жисмоний шахсларнинг банклардаги омонат ва бошқа ҳисоб рақамларидан ёки пластик карталардан фойдаланган ҳолда) амалга оширилганда, солиқ чегирмаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 191 — 193-моддаларида назарда тутилган тартибда давлат солиқ хизмати органларига жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни топшириш йўли орқали берилиши мумкин. Бунда, солиқ чегирмаси Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар суммасига, солиқ даври учун кўрсатилган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади миқдорида берилади.

17. Солиқ чегирмасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлаш учун жисмоний шахс қуйидагиларни тақдим этади:

талаба (талабалар) билан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрти ўртасида тўловли-контракт асосида ўқитиш тўғрисида тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

тижорат банки билан таълим кредитини олиш учун тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ҳисоб рақамига (таълим

кредитини қоплаганда тижорат банки ҳисоб рақамига) пул маблағларини мустақил тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

паспорт нусхаси (солиқ имтиёзи таълим олувчининг ўзи томонидан қўлланилганда);

паспорт нусхаси (солиқ имтиёзи ота-она томонидан қўлланилганда) ва таълим олувчининг (таълим олувчиларнинг) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

18. 26 ёшгача бўлган таълим олувчининг ўқиши учун тўлов амалга оширилганда жами йиллик даромади тўғрисида декларацияни тақдим этувчи жисмоний шахс декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда солиқ чегирмасини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа жисмоний шахсларнинг паспорт ва СТИР нусхаларини тақдим этади.

Агар солиқ чегирмаси суммаси жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тақдим этган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади суммасидан ортиқ бўлса, қолган суммага солиқ чегирмаси уни олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа жисмоний шахсларга, солиқ чегирмасини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа жисмоний шахсларнинг паспорт ва СТИР нусхалари тақдим этилганда берилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўзларида мавжуд маълумотлар ва тақдим этилган ҳужжатлар асосида мустақил равишда солиқ чегирмасини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа жисмоний шахслар томонидан солиқ чегирмаси кўринишидаги имтиёз суммаси қўлланилганлигини аниқлайдилар.

19. Солиқ чегирмасини олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар битта давлат солиқ хизмати органида ҳисобда турмаган тақдирда жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация куйидаги тартибда тақдим этилади:

жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тақдим этувчи жисмоний шахс декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ солиқ чегирмасини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа жисмоний шахслар томонидан солиқ чегирмаси тариқасидаги имтиёз суммаси қўлланилмаганлиги тўғрисидаги маълумотномани (маълумотномаларни) тақдим этади (масалан, таълим олувчининг отаси жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тақдим этмоқда. Таълим олувчининг отаси декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда унинг фарзанди (фарзандлари) ва рафиқаси солиқ чегирмасини қўлламаганликлари тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотномани тақдим этади);

агар солиқ чегирмаси суммаси жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тақдим этган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади суммасидан ортиқ бўлса, қолган суммага солиқ чегирмаси уни олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа жисмоний шахсларга, мазкур шахслар томонидан бошқа жисмоний шахслар солиқ чегирмасини қўллаганлиги тўғрисида ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда давлат солиқ хизмати органлари томонидан бериладиган маълумотнома тақдим этилгандагина берилади (масалан, таълим олувчининг онаси жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тақдим этмоқда. Аввал жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация таълим олувчининг отаси томонидан тақдим этил-

ган ва у томонидан таълим олишга йўналтирилган маблағларнинг бир қисмига солиқ чегирмаси қўлланилган. Таълим олувчининг онаси жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда отасининг солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органи томонидан берилган қўлланилган солиқ чегирмаси суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади).

IV. Яқуний қоида

20. Ушбу Низомда назарда тутилган солиқ чегирмаларининг тўғри қўлланилиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтирила-
ган маблағларга жисмоний шахслардан
олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёз
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

МАЪЛУМОТНОМА

Берилди _____

_____ га

(Ф.И.О.)

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Ушбу жисмоний шахс томонидан ўқиш учун мустақил равишда тўланган суммаларга чегирма қўлланилмаганлиги тасдиқланади.

Давлат солиқ
инспекцияси бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

№								
Сана								
	(кк/оо/йй)							

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув
юртларида таълим олиш учун йўналтирилади-
ган маблағларга жисмоний шахслардан
олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

МАЪЛУМОТНОМА

Берилди _____

_____ га

(Ф.И.О.)

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Ушбу жисмоний шахс томонидан тақдим этилган жисмоний шахснинг
жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациясига асосан ўқиш учун
мустақил тўланган суммалар бўйича _____

_____ сўм миқдоридан чегирма қўлланилганлиги тасдиқланади.

Давлат солиқ
инспекцияси бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

№								
Сана								
	(кк/оо/йй)							